

Бухоронинг тарихий марказини муҳофаза қилиш учун мастер ва менежмент режалари қабул қилинади



15:22 / 17 март 798

Президент топшириғига кўра Самарқанд шаҳрида Ипак йўли давлат музейини ташкил этиш, Амир Темур боғларини қайта тиклаш, Бибиҳоним мажмуасини реставрация қилиш, шунингдек, Бухоронинг тарихий марказини муҳофаза қилиш тўғрисида мастер ва менежмент режалари бўйича қарорлар лойиҳалари ишлаб чиқилади.

Бухородаги Пои Калон ансамбли.

Фото: «Газета.uz»

Самарқанд шаҳрида Буюк ипак йўли давлат музейини ташкил этиш, Амир Темур боғларини қайта тиклаш, Бибиҳоним мажмуасини реставрация қилиш, шунингдек, ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган Бухоронинг тарихий марказини муҳофаза қилишга қаратилган мастер ва менежмент режалари тўғрисида қарорлар лойиҳалари ишлаб чиқилади.

Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармасига берилган мазкур кўрсатма президент Шавкат Мирзиёевнинг 2025 йилда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган ЮНЕСКО — Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти Бош конференциясининг 43-сессиясига тайёргарлик кўриш тўғрисидаги қарорида 2025-yilda-yunesko-bosh-konferensiyasi-43-sessiyasining-samarqand-shahrida-otkazilishiga-tayyorgarlik-korish-boyicha-chora-tadbirlar-togrisida_579983) келтирилган. Форум 1985 йилдан бери биринчи марта Париждан ташқарида ўтказилади.

Жамғарма юқоридаги ҳужжатларни ЮНЕСКО мезонлари асосида ва хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда ишлаб чиқиши керак, дейилади қарорда.

Шунингдек, Ташқи ишлар вазирлигига ЮНЕСКО бош директори номига Ўзбекистон Республикасининг Маданий ёдгорликларни сақлаш ва реставрация қилиш бўйича халқаро тадқиқот марказига аъзо бўлиши учун расмий ариза топширилди.

Бундан ташқари, ЮНЕСКО ишлари бўйича Миллий комиссияга Ўзбекистондаги шаҳарлар, ноёб маданий ва табиий мерос объектларини тегишлича ЮНЕСКОнинг Ижодкор шаҳарлар ҳамда Таълимни тарғиб этувчи шаҳарлар тармоқларига, шунингдек, халқаро рўйхатларига киритиш чораларини кўриш топширилди.

Бухоро маданий мероси обидаларини сақлаш ҳолати аввалроқ 2023 йил сентябрь ойида бўлиб ўтган ЮНЕСКО Бутунжаҳон мероси қўмитасининг 45-сессиясида кўриб чиқилган эди. Кейинги сессия жорий йилнинг июль ойида бўлиб ўтади.

Қўмита ўз қарорида Ўзбекистон ҳукуматининг тарихий марказни ривожлантириш ва янги ишларга қўйилган мораторийни кенг қамровли мастер ва менежмент режалари ишлаб чиқилгунга қадар мораторийга буфер зонани киритиш орқали кенгайтириш тўғрисидаги қарорини олқишлади.